

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТАХИРОВА КАМОЛАХОН АБРОРОВНА

ЎРТА ОҒИРЛИКДАГИ ТАРҚОҚ ПАРОДОНТИТНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Тахирова Камолахон Аброровна

Ўрта оғирликдаги тарқоқ пародонтитни ташхислаш ва даволашда
замонавий ёндашув 3

Тахирова Камолахон Аброровна

Современные подходы к диагностике и лечению генерализованного
пародонтита средней степени тяжести 19

Taxirova Kamolakhon Abrorovna

Modern approaches to diagnosis and treatment of generalized
moderate periodontitis 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of pulished works 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТАХИРОВА КАМОЛАХОН АБРОРОВНА

**ЎРТА ОҒИРЛИКДАГИ ТАРҚОҚ ПАРОДОНТИТНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib.501 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tdsi.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилов Хайдар Позилович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Герасимова Лариса Павловна

тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Гулямов Суръат Саидвалиевич

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**А.И.Евдокимов номидаги Москва Давлат
стоматология Университети
(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри Яшнабод тумани Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел.: (+998 71) 230-20-65; факс: (+998 71) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри Яшнабод тумани Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел.: (+998 71) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж. А. Ризаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л. Э. Хасанова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х. И. Ирсалиев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда пародонт яллиғланиш касалликлари кенг тарқалганлиги ва 90% катта ёшли аҳоли орасида учраши, касалланиш даражаси ҳамда пародонт шикастланишининг оғир шакллари ортиб бориши билан тавсифланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «... пародонт касалликларининг юқори даражаси 20–44 ёшларда 65–95% кузатилган, оғир даражали пародонт касалликлари катта ёшли аҳолининг 5–25%, ўрта даражаси 30–45% ида учрайди ва факат 2–8% инсон 35–45 ёшда соғлом пародонт тўқимасига эга бўлади ...»¹. Сўнгги ўн йилликда олиб борилган тадқиқотларга кўра касалликнинг ривожланишида «... турмуш тарзи – 50%, атроф-муҳит экологияси – 20%, популяция генотиби – 20% ва тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси 10% гача таъсир кўрсатади ...»². Узоқ йиллар давомида олиб борилган илмий изланишлар натижасида оғиз бўшлиғида 700 дан ортик патоген ва шартли патоген микроорганизмлар, бактериялар, вируслар, замбуруғлар, протозоалар биоце-нози аниқланган. Кўпгина тадқиқотчилар томонидан *Actinobacillus actinomycetemcomitans*, *Porphyromorans gingivalis*, *Prevotella intermedia*, *Tannerella forsythensis* (*Bacteroides forsythus*), *Treponema denticola* каби пародонтопатоген микроорганизмларнинг пародонтда яллиғланиш келтириб чиқаришдаги ўрни исботланган.

Жаҳонда тарқоқ пародонтит касаллиги ривожланиш механизмларини ўрганиш ва уни даволаш бўйича тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пародонт касалликлари ривожланган мамлакатларда ҳам, ривожланаётган давлатларда ҳам ўта юқори бўлиб, бу кўрсаткич барқарор ўсиб бориш хусусиятига эга. Бугунги кунда пародонт тўқималарининг жароҳатланиши экзоген омиллар ва маҳаллий тўқима реакцияларининг биргаликда келиши билан ифодаланади. Бу борада оғиз бўшлиғидаги дисбиотик бузилишлар, маҳаллий иммун тизим фаолияти, клиник ҳолат ҳамда патологик жараёни мажмуавий ўрганиш асосида сурункали пародонтитни даволаш жараёнини муқобиллаштириш ва эрта ташхислаш йўллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Пародонтит даражасини аниқ ва специфик ташхислаш учун молекуляр-генетик текширув аспектларидан фойдаланиш орқали физиотерапевтик схема орқали мажмуавий даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва ҳаёт тарзини яхшилашга йўналтирилган тадбирларни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли жароҳатловчи воситалар таъсирида пародонтит асоратларини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс

¹ ЖССТ йиллик ҳисоботи маълумотлари, 2015.

² Зорина О.А. и др. Гендерные различия в микробиоме пародонтального кармана у пациентов с хроническим генерализованным пародонтитом // Стоматология. - М., 2016. Т. 95. №3. – С. 10–16.

чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, таххис кўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши аҳоли орасида турли даражада пародонтитни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни кўллашни такомиллаштириш орқали асоратларни камайтириш борасида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сурункали пародонтитларнинг этиологияси ва патогенези микроблар (Северин Е.С., 2001; Данилевский Н.Ф., Борисенко А.В., 2013), симпатик-адренал тизим, аутоиммун жараёнлар, «маҳаллий омиллар» ва стресс, алмашинув жараёнларининг бузилиши, инволюция ва шу кабилар таъсири остида организм дезадаптациясининг оқибати бўлган кўплаб омилларга умумий таъсири нуқтаи назаридан кўрилади (Хасанов А.И., Абдуллаев Ш.Ю., 2002; Грудянов А.И., Овчинникова В.В., Серебрякова Л.Е., 2009). Пастки жағ биомеханикасининг бузилиши пародонтнинг функционал қайта ишга тушиши ва юқори жағ бўғимларининг мушак-бўғим дисфункциясига олиб келади, бу чайнаш ҳаракатларининг йўналган иши бузилиши сифатида намоён бўлади. Стоматологияда биомеханика тиш-жағ тизимидаги аъзоларнинг морфологик ва функционал алоқасини ўрганади, улардан асосийлари тиш қаторлари, юқори ва пастки жағ бўғимлари ва чайнаш мушаклари ҳисобланади (Хватова В.А., 2005; Тарбелл Ж.М., Дамиано Э.Р.,

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

2007; Рабелинк Т.Ж., Боерде Х.Ц., Зомевелдван А.Ж., 2010; Янушевич О.О., 2014; Дане М.Ж., 2014).

Ўзбекистонда пародонтитнинг турли клиник белгиларни стоматологик даволаш борасида бир қанча илмий изланишлар амалга оширилган (Мавлонова З.Ш., 2010; Юлдашева Н.А., 2017; Алимова Д.А., 2018) бўлсада, бироқ ўрта оғирликдаги тарқоқ пародонтитни ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашув тизими такомиллаштирилмаган. Ўрта оғирликдаги тарқоқ пародонтитда маҳаллий метаболизм бузилишларининг таҳлил этилмаганлиги тиббиёт соҳасидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади ҳамда ушбу тадқиқот мақсад ва вазифаларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, тарқоқ пародонтит бўйича мавжуд адабиёт манбалари таҳлилига кўра пародонт касалликларининг учраш даражасининг ортиши, микробиологик, функционал кўрсаткичлари ишончли тарзда пасайиши кузатилади ва бунинг асосида мақсадга йўналтирилган, комплекс даволаш-профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011400199 рақамли «Тиш, пародонт ва оғиз бўшлиғининг шиллиқ парда касалликлари ташхислаш, даволаш ҳамда олдини олишни рационал усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш» (2015–2019) илмий мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тарқоқ пародонтитнинг ташхисотини мукамаллаштириш орқали даволаш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли ёш гуруҳларидаги беморларда ўрта оғирлик даражасидаги умумий пародонтитнинг тарқалганлигини таҳлил қилиш;

ўрта оғирлик даражасига эга умумий пародонт билан оғриган беморларда молекуляр-генетик даражада пародонтопатоген микроорганизмларнинг миқдор ва сифат таркибини баҳолаш;

мажмуавий даволаш усулини ишлаб чиқиш, яқин ва узоқ кузатув муддатларида даволаш самарадорлигини аниқлаш;

пародонтитларни умумий даволашда анъанавий ва мукамаллаштирилган усуллар самарадорлигини клиник қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент давлат стоматология институти клиникасига мурожаат қилган, 20 дан 65 ёшгача бўлган ўрта оғирликдаги тарқоқ пародонтит билан хасталанган 120 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб илмий-тадқиқотлар асосида тарқоқ пародонтитни ташхислаш, даволаш ва олдини олишда пародонт тўқимаси ва пародантал биологик материаллар (юмшоқ карашлар, тош, милк суюқлиги) материаллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, клиник-функционал, микробиологик ва статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўрта оғирликдаги сурункали тарқоқ пародонтитга эга беморларда реал вақтдаги полимераза занжир реакцияси ёрдамида пародонтопатоген микрофлоранинг миқдори ва сифат таркиби аниқланган;

фотодинамик терапиянинг анаэроб микроблар ҳамда факультатив флора миқдорини камайтириши натижасида оғиз бўшлиғи дисбиотик бузилишларини бартараф этишдаги ижобий хусусияти асослаб берилган;

фотодинамик терапия ва гомеопатик даволаш тизимини мажмуавий қўлланилишида периферик микроциркуляция фаол ва пассив модуляция кўрсаткичларини фаолашувига олиб келиши, бунинг оқибатида яллиғланиш жараёнлари бартараф этилиши исботланган;

тарқалган пародонтитни даволашда қўлланилган комплекс пародонтал индекс кўрсаткичлари ПМА, КПИ ишонарли равишда яхшиланиши, пародонт тўқимаси регенератор хусусиятларига ижобий таъсири асослаб берилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пародонтнинг яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни текшириш ва таҳил этишда пародонт тўқималари ҳолатини баҳолаш учун реал вақт полимераза занжир реакциясини киритиш тавсия этилган;

пародонтопатоген микроорганизмларнинг аниқланиши касалликнинг кечиши ва профилактикасида эрта ташхислаш, башоратлаш мезони сифатида хизмат қилиши тақдим этилган;

фотодинамик терапияни билан бирга гомеопатик даво қўллаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, биокимёвий, клиник-лаборатор, клиник-функционал, микробиологик ва статистик усулларга асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологиясини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишонччилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти пародонтопатоген микроорганизмларнинг аниқланиши касаллик кечиши ва бошланиши ташхисоти, башорат қилиш мезони сифатида хизмат қилиши, пародонтнинг яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни даволаш самарадорлигини баҳолаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти фотодинамотерапия ва гомеопатик терапия комбинациясида сурункали пародонтитни умумий даволашнинг самарали усули ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга татбиқ этилганлиги,

клиник-микробиологик ва лазер доплер флоуметрик (ЛДФ-метрик) кўрсаткичларнинг ўрганилиши ҳолатнинг меъёр даражасигача яхшиланиши, даволаш муддатлари ва касаллик рецидивлари сонининг қисқариши, ремиссия вақтининг ортиши такомиллашган комплекс даволаш усулини тавсия этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта оғирликдаги тарқоқ пародонтитни ташхислаш ва даволашда замонавий ёндашув бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўрта оғирлик даражасидаги сурункали умумий пародонтит ташхислашда пародонтопатоген микроорганизмларнинг миқдор ва сифат таркибини ўрганиш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16 июндаги 8н-р/192-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аҳоли орасида ўрта оғирлик даражасидаги сурункали умумий пародонтит ташхисотида пародонтопатоген микроорганизмларнинг миқдор ва сифат таркибини ташхислаш, самарали даволаш учун аниқ ҳаракатлар режасини тузиш тизимини такомиллаштириш имконини берган;

«Умумий пародонтитнинг яллиғланиш жараёнларини гомеопатик даволаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16 июндаги 8н-р/192-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма умумий пародонтит яллиғланиш жараёнларининг гомеопатик даволаш тизимини яратиш имконини берган;

ўрта оғирликдаги тарқоқ пародонтитни ташхислаш ва даволашда замонавий ёндашув бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институти Терапевтик стоматология поликлиникаси, Самарқанд вилояти стоматологик поликлиникалари, Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг стоматология поликлиникаси клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16 июндаги 8н-р/192-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши клиник-микробиологик ва ЛДФ-метрик кўрсаткичларнинг ўрганилишида ҳолатнинг меъёр даражасигача яхшиланиши, даволаш муддатлари ва касаллик рецидивларининг сонини қисқариши, ремиссия вақтини узайтириш, профилактик ёрдам сифатини ошириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тарқоқ пародонтитни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича адабиёт манбалари батафсил ёритилган. Стоматология соҳаси бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Соматик патологиялар негизидаги пародонт касалликларини даволаш ва олдини олишнинг замонавий усулларига бағишланган адабиёт манбалари баён қилинган, давлат ва маҳаллий миқёсда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар келтирилган. Муаммонинг ҳал этилмаган ва ўз ечимини қутаётган жиҳатлари санаб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тарқоқ пародонтитни ташхислаш ва даволашнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текшириш усуллари ва материаллари, хронологик маълумотлар, объектлар баён қилинган. Тошкент давлат стоматология институтига даволаниш учун мурожаат қилган 120 нафар беморнинг клиник кўриги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Илмий тадқиқот қўйидаги йўналишларда ўтказилган: ўрта оғирлик даражасидаги сурункали умумий пародонтит ташхисотида пародонтопатоген микроорга-низмларнинг миқдор ва сифат таркибини ўрганиш; сурункали тарқоқ пародонтитни маҳаллий даволашда анъанавий ва мукаммаллаштирилган усуллар самарадорлигини клиник солиштирма таҳлил қилиш.

1-йўналиш бўйича тадқиқотларда тарқоқ пародонтит билан оғриган беморларда *Actinobacillus actinomycetemcomitans*, *Porphyromorans gingivalis*, *Prevotella intermedia*, *Tannerella forsythensis* (*Bacteroides forsythus*), *Treponema denticola* каби пародонтопатоген микроорганизмларнинг миқдор ва сифат таркиби ўрганилди ва ҳар бир пародонтопатогеннинг пародонт ҳолатига ҳиссаси ва таъсири баҳоланди. Асосий гуруҳни 90 нафар умумий пародонтит билан оғриган беморлар ташкил қилди. Назорат гуруҳини 30 нафар пародонт патологияси бўлмаган бемор ташкил этди.

2-йўналиш бўйича тадқиқотларда ўрта оғирликдаги тарқоқ пародонтит бўлган барча беморлар тасодифий танлов усули билан асосий ва назорат гуруҳларига тақсимланди. Касаллиги 1 йилдан 5 йилгача давом этаётган, 20 ёшдан 60 ёшгача бўлган 90 нафар бемор (42 нафар эркак ва 48 нафар аёл) кузатув остида бўлди. Беморлар ҳар бирида 30 кишидан бўлган 3 гуруҳга ажратилди. 1-назорат гуруҳида даволаш учун 0,1% хлорофиллиптдан фойдаланиб оғиз бўшлиғи анъанавий равишда антисептик қайта ишланди ва

пародонтал чўнтакларга 5–7 кун давомида 10 г миқдорда боғлам билан «Метрогилдент» гели аппликация қилинди. Профессионал гигиена тадбирлари-дан сўнг фотосенсибилизатор шприц ёрдамида аста-секинлик билан тўлиқ тўлгунга қадар пародонтал чўнтакларга киритилди ва 2 дақиқа таъсир қилиши учун қолдирилди. Фотосенсибилизаторни фаоллаштириш учун «УФД–1» аппаратидан фойдаланилди (Ўзбекистон), 3-асосий гуруҳ беморлари 2-гуруҳнинг даволаш чораларига қўшимча тарзда 5 кун давомида ўтиш қатлами бўйича инъексия кўринишида Траумел С препаратни қабул қилишди.

Ҳар бир беморни даволашда, жумладан, маҳаллий ва умумий чоралар индивидуал ўтказилди. Беморларни кўриқдан ўтказишда сўров, кўриқ, умумий ва махсус тадқиқот усуллари каби умумқабул қилинган клиник усуллардан фойдаланилди. Оғиз бўшлиғи кўриқдан ўтказилганда тишлов, тишларнинг ҳолати ва тиш қаторлари ўрганилди. Даволашгача пародонтологик ҳолатни рўйхатга олиш вақтида Руссел (PI) пародонтал индекс, папилляр-маргинал-алвеоляр индекс (РМА), Н.Р.Мuhlemann бўйича қонаш индекси (1971) I.Cowell (1975) модификациясидаги кўрсаткичлар катталиги бўйича пародонт тўқималари зарарланишининг тарқалганлиги ва интенсивлиги баҳоланди. Пародонтал чўнтаклар чуқурлиги (ПЧ), милк рецессиясининг катталиги, тишларнинг кўзғалиш даражаси, фракцияларнинг шикастланганлик даражаси баҳоланди. Пародонт тўқималари тузилишининг диагностикаси ва ҳолатини баҳолаш учун рентгенологик тадқиқот ўтказилди. Пародонт тўқималари ҳолатини тўғри баҳолаш мақсадида микробиология (ПРЦ усули), функционал тадқиқот (ЛДФ) маълумотларидан фойдаланилди. Пародонт томирлардаги микроциркуляция ҳолати NPP «Lazma» (Россия, Москва) томонидан ишлаб чиқарилган, «ЛАКК–02» капилляр қон оқимининг лазер таҳлилчиси ёрдамида лазер доплер флоуметрияси (ЛДФ) усулида ўрганилди.

Пародонтал чўнтакдан (ПЧ) ажраладиган пародонтопатогенлар миқдори молекуляр-генетик ўрганилди. ДНК *Prevotella intermedia* (P.i.), *Tannerella forsythia* (*Bacteroides forsythus*) (T.f.), *Treponema denticola* (T.d.), *Aggregatibacter actinomycetemcomitans* (*Actinobacillus actinomycetemcomitans*) (A.a.) ва *Porphyromonas gingivalis* (P.g.) ДТlite4 (Россия) амплификаторда детектирловчи, ОАЖ «НПО ДНК–Технология» МЧЖ компаниясининг «Проба–Рapid» аралашма реактивлар тўплами ёрдамида аниқланди. Тадқиқотлардан олинган натижаларга Pentium IV компьютерида Microsoft Office Excel 2013 дастурий тўплами ёрдамида ҳамда ўрнатилган статистик ишлов бериш усулларида фойдаланилган ҳолда статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Тарқоқ пародонтитни ташхислашнинг микробиологик кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида сурункали умумий пародонтит характеристикаси, намоён бўлишининг клиник ўзига хосликлари, шунингдек, ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Интакт пародонт бўлган шахслар кўриқдан ўтказилганда пародонт тўқималарининг ҳолатига шикоят кузатилмади, шунингдек, оғиз бўшлиғи

кўригида меъёрдан четланиш аниқланмади, милклар оқ-пушти рангда, зич, зондланганда қон кетиши кузатилмади.

Ўрта оғирлик даражасидаги сурункали тарқоқ пародонтитг бўлган, касаллик 1 йилдан 5 йилгача давом этаётган, 20 ёшдан 60 ёшгача бўлган 90 нафар бемор (42 нафар эркак ва 48 нафар аёл) кузатув остида бўлди. Барча беморлар ҳар бирида 30 кишидан бўлган 3 та гуруҳга бўлинди. Стоматологик кўрикда таққосланаётган гуруҳларда пародонт тўқималарининг клиник-функционал характеристикаси ишончли ўхшашлиги аниқланди. Беморлар милклардаги оғриқ ва қон кетиши, оғиздан ёқимсиз ҳид келиши, совуқ ва иссиқ қўзғатувчиларга гипертасирчанлик, тишларнинг қўзғалувчанлигидан шикоят қилишди.

Кўрикда милкнинг тишлараро, маргинал ва алвеоляр қисмларида турғун гиперемия, тишларда кулранг-сарик караш, тишларнинг I–II даражада қимирлаши, 5,0 мм гача чуқурлик ва сероз-йиринг ажралмага эга пародонтал чўнтаклар аниқланди. PI кўрсаткичи ($3,95 \pm 0,04$) милкда яллиғланиш жараёнини акс эттирди. РМА қиймати ($45,60 \pm 3,09$) яллиғланиш жараёни милкнинг маргинал соҳасида жойлашганлигидан далолат беради. КПИнинг ўртача қиймати ($2,79 \pm 0,17$) ташхисга мос келди. Тадқиқот давомида беморларнинг Траумел С препаратини қабул қилиши жуда яхши самара берди. Даволаш жараёнида акс таъсирлар, аллергия ва фототоксик реакциялар кузатилмади. Беморлар тўқималарни кейинчалик лазер нури билан нурлантиришда ёқимсиз ҳисларни сезишмади.

Даволаш курси якунланганидан сўнг барча гуруҳ беморларида милк четининг мустаҳкамланиши, қон кетишининг камайиши, патологик қўзғалувчанликнинг камайиши каби ижобий ўзгаришлар кузатилди. Даволаш натижалари 1-жадвал келтирилган.

Пародонт ҳолатида индекс кўрсаткичлар ўзгаришининг ижобий динамикаси кузатилди, лекин энг юқори натижаларга 3-гуруҳда эришилди, бу ерда РМА кўрсаткичи $45,60 \pm 3,09$ дан $10,84 \pm 0,16\%$ гача, PI $3,95 \pm 0,04$ баллдан $1,20 \pm 0,01$ гача, КПИ $2,79 \pm 0,17$ дан $0,63 \pm 0,01$ гача пасайди.

Айтиш жоизки, тадқиқотларнинг узоқ муддатли даврида (6–12 ой), ФДТ ва Траумел С препаратини комплекс қўллашда юқори самарадорликка эришилди, милкларнинг маҳаллий яллиғланиш индекси ижобий кўрсаткичлари сақланди, 3-гуруҳда қон кетиш ва умумий пародонтал индекс даволашгача бўлган мос қийматларга эга бўлмади ($P > 0,05$).

ЛДФ-грамма базали параметрлари ўрганилганда назорат гуруҳининг $39,4 \pm 1,2$ ёшдаги соғлом шахсларида микроциркуляция тўқималарда қон оқишининг ўртача даражаси билан мезоемик типга мос келишини кўрсатди: М тўқималар перфузиясининг базал катталиги ўрта қийматлар даражасида, микроциркуляцияни тартибга солувчи таъсирларга (юқори Кв) яхши ўзгарувчанлик (юқори СКО) ва юқори пластиклиги билан ажралади; модуляцияларнинг тартибга солувчи таъсири самарадорлиги юқори бўлди (ИФМ 2 дан ортиқ).

**Ўрта оғирликдаги сурункали умумий пародонтит бўлган
беморларда даволашдан олдин ва кейин пародонт ҳолати индекс
кўрсаткичи катталикларининг ўзгариш динамикаси**

Гуруҳ	Дори воситаси	Муддатлар (ой)		Пародонтал индекслар	
				ПМА%	ПИ
		Даволашгача		45,60±3,09	3,95±0,04
1	5-7 кун давомида 10 г микдорда боғлам билан метрогилдент гели.	Даволашдан сўнг	1	14,50±0,03***	1,84±0,01***
			3	16,50±0,34***	2,20±0,05***
			6	19,35±0,85***	2,45±0,07***
			12	20,65±0,96***	2,84±0,04***
2	Фотодинамик терапия (ФДТ)	Даволашдан сўнг	1	12,4±0,10***	1,43±0,01***
			3	13,8±0,47***	1,84±0,05***
			6	14,42±0,50***	2,27±0,03***
			12	15,47±0,23***	2,56±0,05***
3	Фотодинамик терапия (ФДТ) ва Траумел С	Даволашдан сўнг	1	10,84±0,16***	1,20±0,01***
			3	11,46±0,07***	1,29±0,07***
			6	12,73±0,02***	1,34±0,05***
			12	14,30±0,02***	2,24±0,05***

Изоҳ: - даволашгача гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (*** - P<0,001)

Пародонтит бўлган беморларда назорат гуруҳи билан солиштирилганда базал қон оқимининг турғун ўсиши (2,3 марта) кузатилди, қон оқимининг кескин тебранишлари аниқланди (СКО 1,9 марта ўсди), тартибга солувчи таъсирларга юқори қабул қилиш (Кв нинг 1,3 марта ўсиши) ва тартибга солувчи таъсирлар самарадорлигининг турғун пасайиши мавжуд (ИМФнинг 1,5 дан пасайиши). ИФМ 1,5 дан кам бўлганда тартибга солувчи таъсирларнинг паст самарадорлиги фонида юқори қабул қилувчанлик 2-даражадаги пародонт гемодинамикасининг турғун субкомпенсацияланган ўзгаришлари тўғрисида хулосага келиш имконини беради (В.И Козлов ва ҳаммуал., 2012).

М ва СКО параметрларига кўра даволаш фонида базал қон оқими ва модуляция таъсирида унинг ўзгарувчанлик даражаси қайта тикланди. Перфузиянинг тартибга солувчи таъсирга пластиклиги қайта тикланади, тартибга солувчи таъсирлар самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи – ИФМ яхшиланиб, назорат даражасига эришади. В.И.Козловнинг (2012) синфлашига кўра даволашдан сўнг пародонт билан оғрига беморларда қайта

тикланувчан характерли гемодинамика бузилишининг (қон оқимининг кўпи билан 10% га камайиши) 1-даражаси (енгил) кузатилди (2-жадвалга қаранг).

Микроциркуляция бузилишининг намоён қилинган шакли – спастик бузилишларни ҳисобга олган ҳолда томир тонусининг нейроген, миоген ва эндотелиал компонентлари ҳолати, шунингдек, ЛДФ-грамма маълумотлари бўйича қон шунтланиши кўрсаткичларининг таҳлили алоҳида эътиборга лойиқ. Физиологик шароитда тартибга солишнинг фаол миоген механизмлари ҳаракат нишони – прекапиллярлар ва сфинктерлар (қон қуйилиши) томир деворининг мушак компоненти; томирлар диаметрининг эндотелиал тартибга солиниши артериялар, артериолалар, прекапиллярларга тегишли; нейроген тартибга солиш нишони – артерио/веноз анастомозлар (капиллярларга таъсир қилмасдан қоннинг шунтланиши).

2-жадвал

Пародонтит бўлган беморларда ЛДФ-грамма параметрлари

Текширилганлар гуруҳи		М, пф.ед.	СКО, пф.ед.	Кв	ИФМ, уе
Назорат (соғломлар), n=30		19,1±2,3	5,9±1,0	18,6±6,2	1,75±0,12
Даволашдан олдин пародонтитга эга беморлар, n=90		44,1±3,1***	17,5±1,0***	40,3±2,6*	1,31±0,16*
1-, n=30	Даволашдан сўнг	26,1±2,3 ^{^^^}	8,3±2,6 ^{^^^}	27,8±2,1**	1,48±0,14**
	3 ой	29,1±2,3 ^{^^^}	9,3±2,6 ^{^^^}	30,8±2,1**	1,58±0,14**
	6 ой	34,78±2,2 ^{****^}	17,5±1,0 ^{***}	36,6±6,2**	1,71±0,16**
	12 ой	44,1±3,1***	17,5±1,0 ^{***}	40,3±2,6*	1,75±0,12*
2-, n=30	Даволашдан сўнг	19,1±2,3 ^{^^^}	5,9±1,0 ^{^^^}	22,6±6,2**	1,41±0,16**
	3 ой	19,8±2,6 ^{^^^}	8,4±2,9 ^{^^}	22,3±2,0**	1,47±0,07**
	6 ой	24,6±2,6 ^{^^^}	8,7±2,9 ^{^^}	26,3±2,0**	1,67±0,07**
	12 ой	29,8±2,6 ^{****}	9,4±2,9 [^]	34,3±2,0**	1,72±0,07**
3-, n=30	Даволашдан сўнг	19,1±0,05 ^{^^^}	5,9±1,0 ^{^^^}	20,1±1,2**	1,41±0,16**
	3 ой	21,8±0,06 ^{^^^}	6,4±1,5 ^{^^^}	22,3±0,06**	1,44±0,07**
	6 ой	22,4±0,06 ^{^^^}	6,7±0,07 ^{^^^}	24,1±0,08**	1,47±0,07**
	12 ой	22,8±0,8 ^{^^^}	7,2±0,05 ^{^^^}	26,7±0,08**	1,52±0,05**

Изоҳ: - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001); ^ - даволашгача гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (^ - P<0,05, ^^ - P<0,01, ^^^ - P<0,001)

Нейроген тонус (НТ), миоген тонуснинг (МТ) ва шунтлаш кўрсаткичининг таҳлили куйидагини намоён қилди (3-жадвалга қаранг).

4-жадвалдан кўриш мумкинки, НТ назоратга нисбатан беморлар гуруҳига тўғри бўлган, даволашдан сўнг меъерий қийматларгача тўғри тушган.

Ўрта оғикдаги даражасидаги сурункали тарқоқ пародонтитли беморларнинг рентгенологик текширувида алвеоляр ўсимталарда ифодаланган деструктив ўзгаришлар, тишлараро алвеоляр деворларнинг илдиз узунлиги 1/3 дан 1/2 гача қисқариши аниқланди. Бутун алвеоляр деворнинг пасайиши (горизонтал резорбция).

Солиштирма таҳлил таққосланаётган гуруҳларда клиник-рентгенологик суратнинг бир хиллигини кўрсатди: барча ортопантомограммаларнинг 62,3–64,5% га алвеоляр ўсимтанинг 1/2 илдиз узунликка; 4,6–5,2% – алвеоляр девор баландлигининг 1/3 илдиз узунлигига ва 33,1–30,3% – 2/3 дан ортик илдиз узунлигига пасайишига олиб келди.


3-жадвал

Пародонтга эга беморларда ЛДФ-грамманинг маълумотлари бўйича қон оқими модуляцияси фаол механизмларининг таҳлили

Текширилганлар гуруҳи	НТ	МТ	ПШ
1- назорат (36,4±0,3 ёшли соғломлар), n=30	1,61±0,13	2,06±0,12	1,31±0,07
2- назорат (Пародонт билан оғриганлар даволашгача), n=90	2,22±0,15**	2,93±0,18***	1,11±0,1
даволашдан сўнг 1-гуруҳ, n=30	1,84±0,15	2,96±0,52	1,63±0,29
даволашдан сўнг 2-гуруҳ, n=30	1,8±0,11^	2,9±0,23**	1,58±0,2^
даволашдан сўнг 3-гуруҳ, n=30	1,68±0,11^^	2,09±0,23^^	1,44±0,2

Изоҳ: - назорат гуруҳи кўрсаткичиларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001); ^ - даволашгача гуруҳи кўрсаткичиларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (^ - P<0,05, ^^ - P<0,01)

Рентгенологик сурат мос келувчи сурункали тарқоқ пародонтитда яллиғланиш-деструктив жараён клиникасини акс эттирди.



1-расм. Даволашдан сўнг ортопантограммалар ҳолатининг солиштирма баҳоси

Таъкидлаш жоизки, энг катта клиник таъсир беморларнинг 3-гурӯҳида кузатилди.

Пародонтал чўнтакда пародонтал микрофлора таркиби солиштирма ўрганилганда пародонтопатоген микрофлоранинг учраш сони етарлича юқорилиги белгиланди. Шу билан бирга пародонтит бўлган беморлар ва назорат гурӯҳидаги шахсларда ўрганилган барча пародонтопатоген бактерияларнинг учраш частотаси бир-биридан турғун фарқ қилди ($p < 0,05$).

Умуман олганда, назорат гурӯҳидаги шахсларда ПЧ таркибида пародонтопатоген микроорганизмлар (умумий бактериал масса) 3,5–6,5 Лг доирасида, ГПСТ бўлган беморларда 8,5–9,7 Лг ни ташкил қилди.

Ўрта даражадаги тарқоқ пародонтитли беморлар текширилганида 73,33% ҳолатда ажраладиган ПЧда *V.forsythus* аниқланди; *T.denticolani*нинг мос келувчи динамикаси – 46,7%; *P.gingivales* 66,67% ни ташкил қилди; *P.intermedia* – 61,11%; *A.actinomycetencomitans* – 13,33%.

Porphyromonas gingivalis, *Tannerella forsythensis* ва *Prevotella* интермедиа, *Treponema denticola* концентрацияси, шунингдек, умумий бактериал массанинг миқдори назорат гурӯҳи билан таққосланганда ўртача оғирликдаги пародонтитли беморларда юқори бўлди ($P < 0,05$) (4- жадвалга қаранг).

Пародонтитнинг турли клиник ва рентгенографик параметрлари кузатилганда *P.gingivalis* ва *T.Forsythesis*нинг юқори концентрациялари пародонтал чўнтакларнинг 4–5 мм чуқурлиги, ≥ 6 мм ва суяк массасининг алвеоляр йўқтилиши билан боғлиқ бўлиши аниқланди. *T. Forsythesis*нинг юқори даражаси, шунингдек, зондлашда қон оқувчанлиги билан боғлиқ бўлди.

4-жадвал

Пародонтопатоген микроорганизмларнинг ўртача миқдори (Lg ГЭ/мл)

Пародонтал патогенлар	Назорат, соғломлар, n=30	Умумий пародонтит, n=90	P
Умумий бактериал масса	3,0±0,26	9,1±0,07*	<0,001
actinobacillus actinomycetemcomitans	0,2±0,08	0,8±0,21*	<0,01
Porphyromorans gingivalis	3,6±0,17	6,5±0,23*	<0,001
Prevotella intermedia	3,2±0,19	6,8±0,20*	<0,001
Tannerella forsythensis (Bacteroides forsythus)	2,5±0,9	7,4±0,1*	<0,001
Treponema denticola	0,5±0,14	6,78±0,13*	<0,001
Candida albicans	0,1±0,03	0,2±0,11*	>0,05

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра ўрта оғирлик даражасидаги пародонтит билан оғриган беморларда пародонтал чўнтаклар таркинини дастлабки ўрганилишида иккала гуруҳда ҳам асосий пародонтогенлар Actinobacillus actinomycetemcomitans, Porphyromorans gingivalis, Tannerella forsythensis, Treponema denticola ва Prevotella intermediанинг маркерлари борлиги аниқланди. Асосий яллиғланишга қарши терапия давомида пародонтопатогенларнинг учраш частотаси ўзгарди ва бу ўзгаришлар ҳар бир гуруҳда алоҳида ўзига хосликларга эга бўлди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Даволашгача ва даволашдан сўнг пародонтопатоген микроорганизмларнинг солиштирма тавсифи

Гуруҳлар	Муддатлари (ой)	Пародонтал патогенлар				
		Actinobacillus actinomycetemcomitans	Porphyromorans gingivalis	Prevotella intermedia	Tannerella forsythensis	Treponema denticola
	Даволашгача	1,35±0,08	6,4± 0,04	6,7± 0,47	7,4±0,85*	7,2± 0,34
1	1	0,17± 0,34***	2,5±0,05***	2,65± 0,04***	4,45± ,07***	3,76±0,05***
	3	1,02±0,04***	2,58±0,05***	3,75±0,05***	5,86± 0,07	3,84± 0,05***
	6	1,34±0,25	4,45±0,07***	4,56±0,05***	6,32±1,02	4,36± 0,07***
	12	1,65±0,06**	5,84±0,04***	5,89±0,03	7,01±0,82	6,76± 0,08
2	1	0	0	0	1,09±0,07***	0,70± 0,02***
	3	0,23±0,02***	1,24±0,05***	0,82±0,08***	2,46±0,05***	1,86± 0,05***
	6	1,43±0,02	2,24±0,08***	2,42±0,03***	3,56±0,05***	2,46± 0,05***
	12	2,73±0,02***	4,24±0,05***	3,82±0,05***	4,34±0,08***	3,22± 0,07***
3	1	0	0	0	1,05±0,07***	0,75± 0,02***
	3	0	0,54±0,05***	0,34± 0,06***	1,62±0,05***	0,96± 0,05***
	6	0,43±0,02***	1,24±0,08***	1,27±0,03***	2,54±0,05***	1,52± 0,05***
	12	1,33±0,02	2,04±0,05***	1,54± 0,05***	3,32± 0,06***	2,34± 0,05***

Изоҳ: - даволашгача гуруҳи кўрсаткичиларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

5-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, лазер ФДТнинг бактериал инфекция агентлар даражасини пасайтириш қобилияти 0,1% хлорофиллипт ва метрогил-дентани боғлам билан қўлланадиган профессионал гигиенага қараганда анча юқори бўлди.

Ўрта оғирлик даражасидаги СТП бўлган беморларни умумий консерватив даволашга гомеопатик терапиянинг киритилиши милк ости микрофлорасида барча ўрганилган пародонтопатогенлар аниқланиш даражаси бирмунча пасайтириш имконини берди. Узоқ муддатларда ўтказилган даволашдан антимиқроб таъсир беморларнинг барча гуруҳларида пасайди, лекин ҳатто даволашдан 12 ой ўтиб ҳам 3-гуруҳ беморларида пародонтопатоген микроорганизмларнинг учраш сони 1 ва 2-гуруҳ (назорат) беморларига нисбатан анча паст бўлди.

ХУЛОСАЛАР

«Ўрта оғирликдаги тарқоқ пародонтитни ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашув» мавзусидаги фалсафа доктори диссертациясидан (PhD) олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сурункали тарқоқ пародонтит ўрта оғирликдаги даражасининг 21 ёшдан 40 ёшгача юқори тарқалганлик кўрсаткичи аниқланди.

2. Олиб борилган тадқиқот натижалари парадонтал чўнтакда пародонтопатоген микроорганизмларнинг учраши 100% ҳолатда ёки бошқа комбинацияда ҳамда *P. gingivalis*, *T. forsythensis* ва *P. Intermedia* концентрация пародонтит борлиги билан боғлиқлигини кўрсатди. *P. gingivalis* ва *T. Forsythensis* бирлиги алоҳида ва комбинацияда таҳлил қилинадиган бошқа патоген микроорганизмлар билан таққосланганда ўрта оғирлик даражасидаги умумий пародонтит билан энг кучли алоқага эга бўлди. Тарқоқ пародонтитнинг ўрта даражаси бўлган беморлар текширилганда 73,33% ҳолатда ажраладиган парадонтал чўнтакда *V.forsynthus* аниқланди; *T.denticolанинг* мос келувчи динамикаси – 46,7%; *P.gingivales* – 66,67%; *P.intermedia* – 61,11%; *A.actinomycetencomitans* – 13,33% ни ташкил қилди.

3. Пародонт касалликларини даволашда фотодинамик терапиянинг қўлланилиши патогенетик асосланган ҳисобланади. ФДТ ва Траумел С дори воситасини маҳаллий қўллаш самарадорлиги клиник, инструментал ва лаборатор тадқиқотларнинг натижалари билан тасдиқланди.

4. Даволаш натижалари асосида ўрта оғирлик даражасидаги сурункали тарқоқ пародонтитни даволашда ФДТ ва гомеопатик терапия мажмуасининг қўлланилиши юқори самарадор эканлиги исботлаган ва бу даволаш амалиётини пародонтологик амалиётда қўллаш учун тавсия этш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ТАХИРОВА КАМОЛАХОН АБРОРОВНА

**СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ДИАГНОСТИКЕ И ЛЕЧЕНИЮ
ГЕНЕРАЛИЗОВАННОГО ПАРОДОНТИТА СРЕДНЕЙ СТЕПЕНИ
ТЯЖЕСТИ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.1.PhD/Tib501.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице (www.tsdі.uz) и на Информационно-образовательном портале “Ziyonet” по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:

Камилов Хайдар Позилович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Герасимова Лариса Павловна
доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Гулямов Суръат Саидвалиевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Московский государственный медико-стоматологический университет им. Евдокимова (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте. Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел.: (+998 71) 230-20-65; факс: (+998 71) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru.

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел.: (+998 71) 230-20-65.

Автореферат диссертации разослан « __ » _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № __ от « __ » _____ 2019 года).

Ж.А.Ризаев,
Председатель научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук

Л.Э.Хасанова,
Научный секретарь научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Х.И.Ирсалиев,
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Воспалительные заболевания пародонта характеризуются широким распространением среди 90% взрослого населения в мировом масштабе, увеличением уровня заболевания и тяжелых форм повреждения пародонта. По данным ВОЗ «... высокие показатели пародонтита наблюдаются в 65–95% в возрасте 20–44 лет, тяжелые формы заболевания обнаруживаются у 5–25% взрослого населения, умеренная степень у 30–45%, и только 2–8% людей в возрасте 35–45 лет имеют здоровый пародонт ...»⁴. Современные социальные и медицинские исследования, проведенные учеными нашей страны в последнее десятилетие, показали, что «... в развитии заболевания важную роль играют до 50% уровень жизни, до 20% экология окружающей среды, до 20% генотип популяции и до 10% уровень оказания медицинской помощи, являющиеся факторами, определяющими здоровье населения ...»⁵. Значение воспалительных заболеваний пародонта в развитии тяжелых осложнений челюстно-лицевой области не вызывает сомнений. В результате многолетних научных исследований было выявлено более 700 биоценозов патогенных и условных патогенов, бактерий, вирусов, грибов и простейших в полости рта. Доказана роль пародонтопатогенных микроорганизмов *Actinobacillus actinomycetemcomitans*, *Porphyromonans gingivalis*, *Prevotella intermedia*, *Tannerella forsythensis* (*Bacteroides forsythus*), *Treponema denticola* при развитии воспаления. Улучшение системы, раннее выявление и лечение, а также профилактика осложнений остаются одной из актуальных проблем.

В мире проводится ряд научных исследований с целью диагностики, лечения и достижения эффективности профилактики пародонтита. Распространенность заболеваний пародонта также очень высока, как в развитых, так и в развивающихся странах, для которых характерен устойчивый рост. В настоящее время патологии пародонтальных тканей характеризуются сочетанием экзогенных факторов и местных тканевых реакций. В том числе основе комплексного изучения дисбиотических нарушений в полости рта, функций местной иммунной системы, клинического состояния и патологического процесса, разработке путей ранней диагностики, рационализации процесса лечения хронического пародонтита имеют важное значение. Это, в свою очередь, дает возможность применения аспектов молекулярно-генетических исследований для точной и специфической диагностики пародонтита, разработки комплексного лечения посредством физиотерапевтической схемы и усовершенствование мер, направленных на улучшение образа жизни больных, на сегодняшний день является приоритетным научным исследованием, направленным на решение этой проблемы.

¹ Данные ВОЗ, 2015 год.

² Зорина О.А. и др. Гендерные различия в микробиоме пародонтального кармана у пациентов с хроническим генерализованным пародонтитом // Стоматология. – М., 2016, Т. 95, № 3. – С. 10–16.

В нашей стране для развития медицинской сферы, адаптации системы здравоохранения мировым стандартам, для уменьшения осложнений пародонтита травмирующими средствами определены задачи по «... повышению эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, а также формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний за счет создания эффективных моделей патронажа и диспансеризации ...»⁶. Данные задачи способствуют снижению заболеваемости путём повышения современной медицинской помощи на новый уровень при диагностике и лечении пародонтита разной степени среди населения и совершенствованием применения современных технологий для качественного медицинского обслуживания.

